

МОҲИЯТ

Долгада қолган тафаккур кемаси

ёхуд 33 минг кишига бир донагина журналми?!

Муаммо

“Тафаккур” журналга кўп йиллардан бери обуна бўлиб келаман. Унинг ҳар бир сонини оиламиз билан интиқ кутамиз. Мажалла халқимиз оқилу фозилларнинг залворли-залворли ўй-фикрларини ортмоқлаб, хонадонимизга йилга тўрт бора мартабали меҳмон каби кириб келади. Ундаги мақола, эссе ва суҳбатларни қайта-қайта муталаа қиламан, кўнглимда ажиб бир тафаккур байрамини туяман.



Қалбимда яшашга, яратишга янги куч уйғотувчи ушбу нашрнинг қадр-қимматини сўз билан ифодалашга оғирман. Бироқ, бир нарсани яхши билганим, “Тафаккур”ни ўқигач, ўзимдан қониқмаслик кайфиятини туяман, руҳи жонимда миллат ва юрт ишига дахлдорлик ҳисси кучайиб, ўзимни буткул ўқийшга, изланишга, қайноқ фаолиятга бағишлагим келади. Масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб келаётган ўғлим ҳам ҳар замонда “Ая”, “Тафаккур”ни қўлимдан қўймай ўқиганим бугунги фаолиятимда роса асқатяпти-да”, деб кўяди.

Аммо... миллат тафаккур кўзгуси бўлмиш журналнинг ададини кўриб кўзларимга ишонмадим: бор-йўғи 1014 нуска! Водариг, ўттиз уч миллион нуфусли Ўзбекистон деган улкан мамлакатда бор-йўғи 1014 нуска “Тафаккур” ўқилса-я! Қарийб 33 минг кишига битта журнал дегани эмасми бу! Қаёққа қараб кетяпмиз?! Миллатнинг жон томирини қақшатаётган, маънавиятимиз илдизига болта ураётган долзарб муаммолар кўтарилаётган нашрга эътибор шуми?! Кўзни катта очиб яшашга ундайдиган “Тафаккур” бугун нимага қўлма-қўл бўлиб кетмапти? Зиёлиларимиз нимани ўқияпти, нималар устида бош қотиряпти ўзи?..

Ўзбекистонда 90 чоғли олий ўқув юрти, 9700 га яқин умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Нега ҳар бир олий ўқув юрти журналга ақалли 10 дона обуна бўлмайди? Ҳар бир мактабга лоақал

икки нусхагина журнал кириб борса бўлмайми? Нега юртимиздаги минглаб маҳаллаю кутубхоналар журналга ҳеч бўлмаганда биттадан обуна бўлмайди? Ҳою ҳавас учун ўйлаб ўтirmай пул сонамиз-ку! Хали ақлини танимаган фарзандимизнинг тугилган кунига миллионларни сарфлаймиз-ку! Йиллик нусхалари бор-йўғи 50 минг сўм турадиган журналга обуна бўлишга бунча қорнимиз оғрийди?! Қачон уйғонамиз ўзи?!

Мана, қўлимда “Тафаккур”нинг бу йилги 2-сон. Дастлабки саҳифаларда давлат бошқаруви соҳаси мутахассиси Азиза Умарова билан суҳбат берилган. Дунё кўрган суҳбатдош Ўзбекистонда раҳбар аёллар сафи кенгайишига тўқтинлик қилаётган омилларга тўхталиб, Словакия, Эстония, Жанубий Корея, Сингапур каби юксак маърифатли мамлакатларни аёл президентлар идора қилаётгани, етакчи аёллар кўпайса жамиятда ижобий ўзгаришлар юз беришини таъкидлайди. Суҳбатда миллат зиёлиларини ўйлантираётган тил масаласида ҳам қимматли мулоҳазалар баён этилган. Қани эди, бу суҳбатдан минг-минглаб зиёлиларимиз баҳраманд бўлса, дея орзулайман.

Тулқин Алимардоннинг “Миллий таълим: танқид ва тақлиф” мақоласида муаллиф мутараққий давлатлар таърифи хусусида ҳикоя қилар экан, “Японияда болага 4-синфгача аниқ фанлар ўрнига адолатли ва ватанпарвар бўлиш, табиати ва гў-

залликни севиш, ҳис қилиш каби ҳаёт фалсафасини синдиришга қаратилган фанлар ўқитилар экан. Мана, сизга миллий фалсафа! Биз эса коррупцияга қарши курашиш учун катта-катта маблагларни ҳуқуқий органлар фаолиятига ажратиб юрибмиз”, деб ёзади. Менимча, бу мақола Халқ таълими вазирлигидан тортиб вилоят ва туман халқ таълими бўлимларида, олий ўқув юртларидан тортиб барча мактабларда кенг ўрганилиши, бу борада баҳс-мунозаралар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Академик Абдулла Аъзамнинг “Долгада қолган кема” мақоласида касбий бурч ҳақида сўз боради. Муаллиф бурчга садоқатнинг гўзал намунаси сифатида 1912 йили “Титаник” фожияси вақтида матонат ва жасорат кўрсатган машшоқларни мисол қилиб келтиради. Кема муз қояга урилиб, фалокат хабари тарқалганига қарамай, мусикачилар баланд пардаларда куй ижро этакдилар, жонларини қутқаришга уринмайдилар ҳам...

Ҳар ким ўз бурчини тўғри адо этсагина, жамият кемаси беҳатар сузади. Тўғри адо этибгина қолмай, бурчга садоқат тамойили жамиятда устувор бўлса, яъни вазифадорлар “ўлсам ўламанки, бурчимга хивнат қилмайман”, деган ақидада яшаса, бундай жамият тараққиёт чўққисига албатта чиқади”, деб ёзади муаллиф.

Мизроб Бўроннинг “Биз кўтариб бораётган юк” мақоласини диққат билан ўқиган муштарий неча

йиллардан бери ортмоқлаб келаётган керакисиз юкини бир силқиниб елкасидан улоқтириб ташлайдию энгил нафас олади. Эпикурнинг “Менекейга мактуби”, миллат қайғусида куйиб ўтган устоз Омонулла Мадаевнинг Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафидинов ҳақидаги хотираси, Нодира Офокнинг Жамила образи хусусидаги мулоҳазалари каминангизга муродбахш туйғуларни ҳадея этди. Эшқобил Шукур “Чимдим ҳайрат, чимдим ҳасрати”ни менга ҳам юқтирди. Зухриддин Исомиддиновнинг улуг юрдошимиз Хожа Кутбиддин Бахтиёр Кокий ҳақидаги тарихий фактларга асосланган тадқиқоти, Вафо Файзуллоҳнинг “Жавондаги жавоҳир”, Аброр Юсу-

повнинг “Бизга қандай бошқарув керак?” мақоласи ҳам ўқилиши чиқибди.

“Тафаккур”чиларнинг обуна бобида нолиганини эшитмадим. Улар “Титаник”нинг машшоқлари каби фийсабилло ижод қилиб келмоқдалар. Бироқ яратилаётган маънавий бойликлардан яйраб-яйраб баҳраманд бўладиган муштарийлар сафи тобора сийрақлашиб бораётди. Боз устига, ахборот уммонидаги тўфон борган сари кучайиб, долгада қолган тафаккур кемаси нотинч чайқалмоқда...

Салима ХОЛДОРОВА,
Навий кон-металлургия
комбинати музейи раҳбари

ТАҲРИРИЯТДАН:

Бир зиёли замонадонимизнинг уйиб маҳзун кўнгли кечинмаларини ўқиб, уйга толасан киши. “Водариг, ўттиз уч миллион нуфусли Ўзбекистон деган улкан мамлакатда бор-йўғи 1014 нуска “Тафаккур” ўқилса-я!”

Салимахонова қийнаётган бу каби аламли саволлар, қанийди, минг-минглаб ўқувчилар қалбида Маънавият аталмиш ўчмас чироқни ёқмоққа иштилоётган “тафаккур”чиларигагина хос бўлганида бу даражада қайғурмасдик. Афсуски, кўнга келган “тўй” бузун бошқа газета-журналларда ижод қилаётган ўзлаб ҳамкасбларимизни-да эсиддий хавотирга солаётгани ҳақиқат. “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Маънавий ҳаёт”, “Ёшлик” журналлари, “Хуррият”, “Жамият”, “Маърифат”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Оила даврасида” каби газеталар ёхуд тўрттинта партия нашрлари ададини кузатсангиз бармоқини тишлаб қоласиз. Халқ билгичи эса булдир: “Ўлма, эсоним, чидаб тур”.

Хўп, кейин-чи? Бу каби ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий (кўнглилар эмас) йўналишларга ихтисослашган ўзлаб газета-журналнинг аҳоли эртага не бўлади? Ҳолу хавотирнинг мароми шундай кечаверса, бирин-кетин ёпилиб кетиши тайин.

Шу ўринда бир таъжубланарли масалага эътиборингизни қаратсак. Яъниким, интернет нашрлар ривожини килобайту мегабайтлар арзонлиги ва тезликка нечоғли боғлиқ бўлса, босма нашрлар арзону қимматлиги чоп этиши харолати, қозғоқ нарҳиса узвий боғлиқдир. Сўнги икки йил мобайнида мамлакатимизда интернет нарҳи босқичма-босқич арзонлаштирилган, тезлаштирилган, алмо минг ваҳқи, қозғоқ таънарихи тесқари динамика касб этиб қимматлаб бормоқда. Аламангиз бўлса ҳам айтмайлик, ҳукумат онлайн ўсиши борасида чора-тадбирлар кўрпяти-ю, босма нашрларга келганда... Замонавий дунёда бўлаётган эсарайларни кузатаркангиз, мутараққий давлатлар ОАВнинг барча йўналишини сақлаб қолши тарафдори — ҳоҳ у электрон бўлсин, ҳоҳ босма.

Демакки, бундай чигал вазийтда босма нашрларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш буйича аниқ концепцияга эҳтиёж бор. Демакки, ҳукумат эсиддий чоралар кўриши лозим. Акс ҳолда босма матбуотнинг иқтисодий аҳоли ўнганлиши дарзмон. Хатони эса кейин тузатиши мушкул бўлади.

ТАБРИК

“Муборак газни қайта ишлаш заводи”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Ватан тараққиёти, турмуш фаровонлиги йўлида сиз қилган меҳнат қилаётган азиз юртдошлар!

Ватанимиз шонли тарихида мутлақо янги саҳифа очган буюк тарихий сана – мустақиллик айёми муборак бўлсин!

Тани-сиҳатлик, шоду хуррамлик, касбий фаолиятингизда улкан зафарлар ва албатта умрбоқий бахт-саодат сизларни асло тарк этмасин!



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XSKI
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ	Алҳам ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯҚУБОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА	Насимжон АЛИМОВ
Сирожиддин САЙИДИ	Аслида АЛМАРДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукуст кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_ast@outmail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс)

Котибиёт – 71 281-40-17
Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI ast” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 858 Тираж: 8266
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 00:45

Таҳририятга келган кўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI ast” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нўтқани назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр **Мазруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123 56

Навбатчи муҳаррирлар:
Бекноз ИСРОИЛОВ, Забён ШОЙИМҚУЛОВ.